



Academia Review-A Multidisciplinary Online Journal

ISSN (Online): 3070-6726

Website: <https://academia.org>

Volume 2, Issue 4, April, 2026



This work is Licenced under Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).

Psychological Characteristics Of Adolescence

Alimov Xojageldi Mustafoyevich

Acting Professor, Department of “Psychology of Religion and Pedagogy”

Doctor of Psychological Sciences (DSc)

International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. This article examines the psychological characteristics typical of adolescence, as well as the dynamics of their interrelationships. To understand adolescent psychology, it is necessary to focus on three key aspects: identifying age-related characteristics associated with the process of physical maturation; understanding the social status of adolescents as a specific stage of both an age group and the process of socialization; and analyzing how these two processes interact and integrate within the behavior and psyche of the individual. This type of development is explained as a movement from society to the individual, representing the process of socialization, the inclusion of the individual into culture, the acquisition of socially necessary knowledge, norms, and values, and involvement in socially productive activity.

Keywords: adolescence, psychological characteristics, adolescent psychology, physical maturation, socialization, personality behavior, knowledge, norms, values.

Ўсмирлик Даврининг Ўзига Хос Психологик Хусусиятлари

АЛИМОВ Хўжагелди Мустафоевич,

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

“Дин психологияси ва педагогика”

кафедраси профессори в.б., психология

фанлари доктори (DSc)



Аннотация. Ушбу мақолада инсондаги ўсмирлик даврига хос бўлган психологик хусусиятлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг динамикасини кўриб чиқилади. Ўсмирлар психологиясини тушунтириш учун учта муҳим қиррага эътиборни қаратиш талаб қилинади: жисмоний етилиш жараёнида ўсмирларга хос бўлган ёш хусусиятларини ажратиб кўрсатиш; ёш гуруҳи ва социализация (ижтимоийлашув) жараёнининг махсус фазаси сифатида ўсмирларнинг ижтимоий ҳолатини англаш; мазкур иккита жараёнлар қаторининг шахс хулқ-атвори ва психикасида сингишини, қўшилиб кетишини кўриб чиқиш. Тараққиётнинг бу кўриниши жамиятдан шахсга ҳаракат, индивиднинг ижтимоийлашуви, шахснинг маданиятга сингиши босқичи ижтимоий зарур бўлган билимлар, нормалар, қадриятларни эгаллаши, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятига боғланиш билан изоҳланади.

Калит сўзлар: ўсмирлик даври, психологик хусусиятлар, ўсмирлар психологияси, жисмоний етилиш, социализация, шахс хулқ-атвори, билимлар, нормалар, қадриятлар.

Психологические Особенности Подросткового Возраста

Аннотация. В данной статье рассматриваются психологические особенности, характерные для подросткового возраста человека, а также динамика взаимосвязей между ними. Для понимания психологии подростков необходимо обратить внимание на три важных аспекта: выделение возрастных особенностей, присущих подросткам в процессе физического созревания; осмысление социального положения подростков как особой стадии возрастной группы и процесса социализации; рассмотрение того, как эти два процесса взаимосвязываются и интегрируются в поведении и психике личности. Данный тип развития объясняется как движение от общества к личности, процесс социализации



индивида, этап включения личности в культуру, усвоения социально необходимых знаний, норм, ценностей и вовлечения в общественно-производственную деятельность.

Ключевые слова: подростковый возраст, психологические особенности, психология подростков, физическое созревание, социализация, поведение личности, знания, нормы, ценности.

КИРИШ

Ўсмирларнинг психологик ўзига хослигини, улар ўртасидаги муносабатлар динамикасини билмасдан туриб, ўсмирларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ва “Мен” туйғуси ўртасидаги муносабат масаласини ўрганишга қўл уриб бўлмайдди. Агар қўл урилганда ҳам олинган натижаларда бир ёқламалик кузатилади. Шу бир ёқламаликнинг олдини олиш мақсадида биз ўсмирлар деб аталган ёш даврига хос бўлган психологик хусусиятларни, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг динамикасини кўриб чиқишга қарор қилдик.

Таъкидлаш жоизки, ўсмирлар психологиясини тушунтириш учун учта муҳим қиррага эътиборни қаратиш талаб қилинади. Биринчидан, жисмоний етилиш жараёнида ўсмирларга хос бўлган ёш хусусиятларини ажратиб кўрсатиш зарур. Иккинчидан, ёш гуруҳи ва социализация (ижтимоийлашув) жараёнининг махсус фазаси сифатида ўсмирларнинг ижтимоий ҳолатини англаш керак. Учинчидан, мазкур иккита жараёнлар қаторининг шахс хулқ-атвори ва психикасида сингишини, қўшилиб кетишини кўриб чиқиш даркор. Шу учта ҳолатнинг барчаси маълум маънода ўсмирларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ва “Мен” туйғуси ўртасидаги муносабат белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Ўсмирлик даври фазалари

Ўсмирлар деб аталган алоҳида ёш даври болаликдан етукликка, аниқроғи ўсмирликдан етукликка ўтиш даври ҳисобланади. Физиология фанидан маълумки, ҳар қандай ўтиш даври жинсий етилиш билан характерланади. Бу жараён учта фазани бошидан кечиради: препубертат ёки тайёргарлик фазаси; пубертат фазаси, бунда жинсий етилишнинг асосий



жараёнлари амалга оширилади; постпубертат фазаси, бунда жинсий етилиш тўлиқ биологик етукликка эга бўлади.

Агар мазкур фазаларни ёш даврлари билан қиёсласак, препубертат фаза кичик мактаб ёшига, пубертат фаза ўсмирлик ёшига, постпубертат фаза ўспиринлик даврига мос келади.

Ўсмирлик ёш даврига келиб жисмоний етилишнинг турли жабҳаларида ўзгаришлар кузатилади. Хусусан, бу ёшдаги болаларда склет тизими тўлиқ ривожланади, иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлиши, бўй ўсишида кескин сакраш, ўғил ва қиз болалар тана тузилишидаги фарқларнинг кескин ортиши сингари ҳолатлар кузатилади.

Бу ўринда гап жисмоний тараққиётнинг кузатилишида эмас, балки бу жисмоний тараққиётнинг шахснинг психик жараёнлари ва хусусиятларига қай даражада таъсир қилишлигида ётади. Бу масалада бир хил фикр билдириш қийин, чунки бу сифатлар юзага чиқадиган ва баҳоланадиган ижтимоий шароитлар тўпламидан табиий хусусиятлар тўпламини ажратиб олиш қийин кечади. Маълумки, генетик омиллар мустақил ҳолда мавжуд бўлмайди, тўғри, алоҳида генлар жисмоний хусусиятларни ҳам, темпераментнинг баъзи хусусиятларини ҳам, индивиднинг ақлий қобилиятларини ҳам ўзида мужассамлаштириши мумкин. Бироқ инсоннинг хулқ-атвори ва мураккаб психик хусусиятларини фан ўрганар экан, уларнинг генетик ва ижтимоий детерминантларини конкрет ҳолда бирини иккинчисидан ажратган ҳолда бўлиб ўрганмайди.

Кейинги пайтларга келиб олимлар алоҳида олинган хусусиятларни қиёслаш ўрнига системали тузилмалар ҳақида ёзишни афзал билишади. Бу ҳақда машхур психолог И.С. Кон шундай деб ёзади: “Бу ўринда икки ҳолат айниқса интенсив тадқиқ қилинади: генетик жиҳатдан берилган ва бутун умр давомида сақланиб қоладиган организмнинг конституционал хусусиятларининг (бу самототип деб аталади) таъсири ва инсон ривожланишининг маълум фазасинигина характерлайдиган жисмоний



тараққиёт темпининг таъсири. Бу икки омил ўзаро боғлиқдир, чунки самототип ва ўсиш темпи генетик жиҳатдан таъминланганди”¹.

Ўсмирлар тараққиётининг ижтимоий кўриниши

Ўсмирлар тараққиётининг ижтимоий кўриниши ҳам улар шахсида муҳим аҳамият касб этади. Бу бевосита ижтимоийлашув жараёни билан тушунтирилади. Тараққиётнинг бу кўриниши жамиятдан шахсга ҳаракат, индивиднинг ижтимоийлашуви, шахснинг маданиятга сингиши босқичи ижтимоий зарур бўлган билимлар, нормалар, қадриятларни эгаллаши, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятига боғланиш билан изоҳланади.

Ўсмирлар ижтимоий ҳолати турли хил кечади. Бу давр илк ижтимоийлашув жараёнининг якуний босқичи ҳисобланади. Ўсмирлар тараққиётнинг янги ижтимоий вазиятига киради. Бу янги ижтимоий муҳит нафақат янги жамоа билан характерланади, балки у келажакка йўналганлик, яни турмуш тарзини, касбни, одамларнинг референт гуруҳларини танлаш билан белгиланади. Бу танлов ҳаётининг вазиятнинг ўзи билан талаб қилинади. Бу даврда эътибор қадриятли-танланган фаолликка қаратилади. Бу ҳолат эса ўз ўрнида автономияна интилиш, ўзига хос бўлишга ҳаракат қилиш ҳолатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Автономияга интилиш тўғрисида гапирганда унинг уч хил кўринишини фарқлаш лозим бўлади. Буларга хатти-ҳаракатлар автономияси (унга боғлиқ бўлган масалаларни мустақил ҳолда ечишга нисбатан эҳтиёж ва ҳуқуқ), эмоционал автономия (ота-оналарга боғлиқ бўлмаган ҳолда одамлар билан алоқаларни мустақил ҳолда ҳал этиш эҳтиёжи ва ҳуқуқи), ахлоқий ва қадрият билан боғлиқ бўлган автономия (ҳаётининг қарашларига ҳамда қадриятларни ўзи танлашга нисбатан мустақиллик).

Таъкидлаш жоизки, ўсмирлар бошидан кечирадиган даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу даврда ўз-ўзини англаш ва ўзига хос

¹ Кон И.С. Психология юнешского возраста: (Проблемы формирования личности). Учебное пособие для студентов пед.инс-ов.-М.:Просвещение 2001. – 92 с.



дунёқаршга эга бўлишнинг шаклланиши босқичи ҳисобланади. Бу даврда муҳим масъулиятли қарорлар қабул қилинади. Бу даврда дўстлик, муҳаббат, интим ҳаёт қадриятлари биринчи даражали ўринга чиқади.

Бу даврни бошидан кечираётган ўсмирларда пайдо бўлган психологик жараён, юқорида таъкидлангандек, ўзи-ўзини англашнинг ва ўз шахсининг турғун образини, яъни „Мен” туйғусининг шаклланиши ҳисобланади. Ўз-ўзини англашнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида бир канча йўналиш бўйича содир бўлади:

1) Ўсмирнинг ўз ички оламини кашф этиши, бу босқичгача бўлган даврда, яъни болалик даврида ҳис-туйғулар ташқи қўзғатувчилар натижаси ўлароқ юзага чиқади. Ўсмирларда эса эмоциялар ва ҳис-туйғулар „Мен” туйғусининг ҳолатидан келиб чиқади, уларда ўзининг алоҳидалиги ҳисси, ўзгаларга ўхшамаслик ҳаракати пайдо бўлади. Бу ҳолат баъзида уларда максимал чегарада юзага чиқиб, ёлғизлик ҳиссини келтириб чиқариши мумким.

2) Ўсмирлар ҳаётининг маъноси, ўзининг келажаги, мақсадлари, вақтнинг ортга қайтмаслиги тўғрисида ўйлай бошлайди. Шунингдек, ўлимнинг муқаррарлиги ўй-кечинмалари чуқур ҳис қилинади. Бу даврда турли-туман орзулар ва ниятлардан реал режаларга ўтилади. Мазкур реал режалар ўсмирларнинг шахсий ва касбий ўзи-ўзини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ўз мақсадларини, ҳаётини интилишларини англаш, ҳаётини режаларнинг ишлаб чиқилиши ўз-ўзини англашнинг элементи ҳисобланади.

3) Ўсмирларда ўзи ҳақида яхлит тасаввур шаклланади. Илгариги ёш даврида, яъни болалик даврида ўзи ҳақида тасаввур ўз танасининг, ташқи қиёфасининг, жозибдорлигининг инсоний хусусиятлари орқали амалга оширилса, ўсмирларда ўзи тўғрисидаги тасаввур ахлоқий, психологик, интеллектуал, иродавий хусусиятлари орқали баҳоланади ва англонади. Ўзи тўғрисидаги тасаввурларнинг бир кўриниши ўзини-ўзи баҳолаш ҳисобланади. Бироқ ўсмирлардаги ўз-ўзини баҳолаш мураккаб ва қарама-қаршилиқларга эга бўлади

4) Бу ёш даврида туғилиб келаётган жинсий ҳиссиётга нисбатан муносабат ва уни англаш хусусияти хос бўлади. Фақат улардаги ҳис-



туйғулар катталарникидан фарқ қилади. „Агар катталарнинг етук жинсий муҳаббати севишган одамларнинг чуқур рухий мулоқотига ва ўзаро бир-бирини тушунишига нисбатан эҳтиёж ва жинсий майилнинг гармоник бирлигидан иборат бўлса, бу ёшда мазкур икки майил бир вақтда етилмайди”² [66.327].

Асосий психологик хусусиятларнинг шаклланиши

Ўсмирлар ўз бошидан кечирадиган даврда қуйидаги асосий психологик хусусиятлар шаклланади ва ўзининг такомлига етади: ўзини-ўзи англаш шаклланади; ўзини идеал билан қиёслаш амалга ошади, ўзини-ўзи тарбиялаш имконияти юзага чиқади; иродавий бошқарув амалга оширилади; диққатнинг концентрацияси ривожланади, мавҳум-манتيқий тафаккур такомлига этади; мураккаб масалаларни мустақил ҳал қилиш малакасига эга бўлади; мустақил дунёқараш шаклланади, бунда ўз ҳаётий фалсафасига эга бўлинади, қарашлар, билимлар ва эътиқодлар тизими ривожланади; ҳукмларнинг максимализми кузатилади; мустақиллиги ва оригиналлигини ўзига-ўзи тасдиқлашга интилиши; катталарнинг маслаҳатларига эътиборсизлик билан қараш; танқидийлик, ишончсизликнинг юзага чиқиши; ўзини-ўзи бошқаришга ўтиш; касбий ўзини-ўзи аниқлаш; ҳақиқий мустақилликнинг йўқлиги; тенгдошларининг таъсирига тушиб қолиши; таъсирчанликнинг ошиши ва тенгдошларига нисбатан конформизм; жинсий етуклик; илк муҳаббат туйғуси, дўстлик ҳисси пайдо бўлиши; ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини етарли даражада англаш³.

Шундай қилиб, биз юқорида ўсмирларнинг психологик хусусиятларини кўриб чиқдик. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўсмирларда ўтиш ёшига хос бўлган хусусият, яъни ота-оналардан,

² Сапогова Е.Е. Психология развития человека: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2001.- 254 с.

³ Сапогова Е.Е. Психология развития человека: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2001.- 164 с.



ўқитувчилардан, умуман катталардан тенгдошларга, мавқеи бўйича тенг бўлганларга ўтказилади. Бу ўтказилиш албатта содир бўлади ва у бу ёш даврига хос бўлади.

Ўсмир ёши, бу даврга хос бўлган жисмоний, психологик ва ахлоқий ўзгаришларни инобатга олмасдан туриб, ўсмирларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ва “Мен” туйғуси ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос психологик хусусиятлари тадқиқ қилиш ҳамда улар ўртасидаги алоқалар динамикасини кузатишнинг иложи бўлмайди.

Ўсмирлик даври — болаликдан катталикка ўтиш босқичи бўлиб, одатда 11–12 ёшдан 15–16 ёшгача бўлган даврни қамраб олади. Бу давр психологияда инқирозли, ўтиш ва қайта қурилиш даври сифатида қаралади. Л.С. Выготский таъбири билан айтганда, ўсмирлик — бу: шахснинг ички дунёси тубдан ўзгариб, “Мен”ни англаш кескин фаоллашадиган давр ҳисобланади.

Ўсмирлик даврининг асосий психологик хусусиятлари

Ўсмирлик давридаги асосий психологик хусусиятлар ҳақида гапирганда биринчи навбатда хаёлимизга ўзини-ўзи англаш ва “Мен-концепция”нинг ривожланиши келади. Ўсмирлик даврининг марказий психологик хусусияти — ўзини-ўзи англашнинг кучайишидир. Бу даврда ўсмир ўзини алоҳида шахс сифатида ҳис қила бошлайди; “Мен кимман?”, “Мен қандай инсонман?”, “Мен қандай бўлишим керак?” деган саволлар пайдо бўлади; ўз ташқи қиёфаси, характер хислатлари, қобилиятларига юқори эътибор қаратади.

Бу жараён кўпинча ўз-ўзини танқид қилиш, ички қоникмаслик, ўз-ўзини паст ёки ортиқча баҳолаш билан кечади.

Ўсмирлик давридаги асосий психологик хусусиятлардан яна бири “Ҳиссий соҳанинг беқарорлиги” ҳисобланади. Ўсмирлик даврида ҳис-туйғулар кескин, тез ўзгарувчан, қарама-қарши характерга эга бўлади. Бу даврда кўп учрайдиган ҳолатларга кайфиятнинг тез алмашиши; ҳаддан ташқари таъсирчанлик, ранжиш, аччиқланиш, уятчанликлар кучли симпатия ёки антипатия киради. Бу ҳолат гормонал ўзгаришлар ва психологик омиллар билан боғлиқ.



Ўсмирлик давридаги асосий психологик хусусиятлардан яна бири “Мустақилликка интилиш ва катталар билан зиддият” дея аталади. Бунда ўсмир ўзини катталардек ҳис қилишни истайди; мустақил қарор қабул қилишга ҳаракат қилади; назорат ва тақиқларга қарши чиқади. Натижада ота-она ва ўқитувчилар билан келишмовчиликлар; қаршилик, қайсарлик; танқидни қабул қилмаслик юзага келади. Бу ҳолат ўсмирнинг шахс сифатида шаклланаётганидан далолат беради.

Ўсмирлик давридаги психологик хусусиятлардан бешинчиси “Тенгдошлар билан мулоқотнинг етакчи аҳамияти” ҳисобланади. Бунда ўсмирликда етакчи фаолият тури — тенгдошлар билан мулоқот ҳисобланади. Яъни дўстлар фикри катталар фикридан устунроқ аҳамиятга эга бўлади; гуруҳга мансублик ҳисси кучаяди; ўз ўрнини топиш, обрў қозониш муҳим бўлиб қолади.

Салбий томони шундаки, бу даврда ўсмирларда гуруҳ босими ва хавфли хулқ-атворга мойиллик кузатилади.

Ўсмирлик давридаги психологик хусусиятлардан яна бири “Тафаккурнинг ривожланиши” деб номланади. Ўсмирлик даврида абстракт-мантқиқ тафаккур ривожланади; назарий фикрлашга ўтиш кузатилади; ҳаётий, фалсафий саволларга қизиқиш пайдо бўлади. Ўсмир адолат, маъно, ҳаёт мақсади ҳақида ўйлай бошлайди ва катталар фикрини танқидий баҳолайди.

Ўсмирлик давридаги кейинги психологик хусусият “Ўз-ўзини баҳолашнинг беқарорлиги” бўлиб, бунда ўз-ўзини баҳолаш қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: ташқи баҳоларга кучли боғлиқлик; муваффақият ва муваффақиятсизликка ўта сезгирлик; баъзан кескин паст ёки юқори бўлиши мумкин. Бу ҳолат ишончсизлик, ўзига ишонмаслик, ёки ҳаддан ортиқ ўзини юқори баҳолашга олиб келиши мумкин.

Еттинчи психологик хусусият “Қадриятлар ва қизиқишларнинг шаклланиши” ҳисобланиб, бунда ўсмирлик ҳаётий позиция ва қадриятлар шакллана бошлайдиган давр деб таърифланади. Бу даврда ўсмирларда қизиқишлар тез ўзгаради, идеаллар пайдо бўлади (машҳур шахслар, устозлар, қаҳрамонлар); касбга қизиқишнинг дастлабки элементлари намоён бўлади.



Ўсмирлик даврида маълум психологик қийинчиликларни кузатиш мумкин ва уларга қуйидагилар киради: ўзига ишончинг пасайиши; ёлғизлик ҳисси; тушкунликка мойиллик; тажовузкорлик ёки ёпиклик; хавфли хулқ-атвор (таваккалчилик).

Бу ҳолатлар ўз вақтида психологик қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Бундай вазиятларда катталар учун қуйидаги тавсиялар берилади: ҳурмат ва ишонч муҳитини яратиш; мустақилликка эҳтиёткорлик билан имконият бериш; тинглаш ва тушуниш; каттиқ назорат ўрнига ҳамкорликка таяниш.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирлик даври — шахс шаклланишида ҳал қилувчи босқич бўлиб, ўсмир кучли ички ўзгаришлар, ҳиссий беқарорлик, ўзини-ўзи англашнинг фаоллашуви билан характерланади. Бу даврдаги қийинчиликлар тўғри ёндашув орқали ўсиш ва ривожланиш манбаи бўлиши мумкин. Шунинг учун мазкур ёш даврига нисбатан илмий тадқиқотлар ўтказиш ўта долзарб ҳисобланади. Бу ёш даври болаларнинг етукликка қад бўлиши мақсадга мувофиқ. ам қўйишидаги муҳим ва мураккаб қадам бўлганлиги сабабли ҳам у тадқиқотчилар диққат марказида бўлишлиги мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кон И.С. Психология юнешского возраста: (Проблемы формирования личности). Учебное пособие для студентов пед.инс-ов.- М.:Просвещение 1979. – 175 с.
2. Кон И.С. Категория “я” в психологии // Психологический журнал. 1987. № 3. с. 42.
3. Сапогова Е.Е. Психология развития человека: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2001.- 254 с.
4. Столяренко Л.Д. Педагогическая психология. Серия «Учебники и учебные пособия». - Ростов Н/Д:«Феникс», 2000. - 544с.
5. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности. М: «Академия», 2005 – 400 с.



Academia Review-A Multidisciplinary Online Journal

ISSN (Online): 3070-6726

Website: <https://academia.org>

Volume 2, Issue 4, April, 2026



This work is Licenced under Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).

6. Истратова О.Н., Эксакусто Т.В. Справочник психолога средней школы. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2006.- 511с.
7. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2006. – 512 с.